



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 8-dekabr №48-49 (4759)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни **8 декабрь** – **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни** билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустақкам пойдевори ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётидаги бекиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз.

Албатта, бу йилги байрам ижтимоий-асосий ҳаётимизда, мамлакатимиз ривожига алоҳида маъно-мазмунга эга. Бу, аввало, шу йил **30 апрелда** миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида Конституциямиз янги тахрирда қабул қилингани билан боғлиқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган **Асосий қонунимиз** Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларимиз ортга қайтмаслигининг мустақкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Янги тахрирдаги Конституциямизда **Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларга етишда Асосий қонунимизда муҳрланган барча қоида ва тамойилларни амалга оширмақдамиз. Жамиятимизда Конституция ва қонун устуңлигини таъминлаш, **давлат органлари фаолиятини янги ҳаёт шартларидаги ҳуқуқий шартларга мос ҳолда йўлга қўйишнинг** аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу борада тизимли ишларни бошладик. Хусусан, Асосий қонунимиздан келиб чиқиб, амал-

даги қонунларимизни янги конституциявий нормалар билан уйғунлаштириш юзасидан жадал ишлар олиб борилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, қисқа муддатда **30дан зиёд** қонун ва қонуности ҳужжатлари янги тахрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилганини таъкидлаш лозим.

Конституция ва қонун устуңлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони. Сўнги йилларда барча ислохотларимизни айни шу тамойил асосида амалга оширдик.

Юртимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми охириги 6 йилда **1,5 мартадан** ортик, тадбиркорлар сони **2 баробар** ва саноатдаги ўсиш **40 фоиздан** зиёд ошгани буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, жорий йилда ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар **134 триллион сўмни** ташкил этиб, **2016 йилга** нисбатан **5,6 баробар** кўпайди.

Кенг қўламли ва тизимли ислохотларимиз натижалари халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон **Коррупцияга муросасиз муносабат бўйича халқаро** индексда **32 поғонага**, **Магбуот эркинлиги** индексда **28 поғонага**, **Ҳуқуқ устуворлиги** индексда **13 поғонага** кўтарилди.

Азиз дўстлар!

Биз инсон кадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттирмамиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан **Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни** тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва **ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз** лозим.

Шу муносабат билан олдимизда турган энг муҳим устувор вазифаларни қайд этмоқчиман.

Биринчидан, Конституциямизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, дейилган. Ана шу қоидадан келиб

чиқиб, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокни кенгайтиришга қаратилган ислохотларимиз изчил давом эттирилади.

Иккинчидан, Конституцияни жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тўғридан-тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтишимиз зарур. Шундагина халқимиз Асосий қонунимизнинг ҳаётбахш кучи ва таъсирини теран ҳис этади.

Бу борада барча давлат идоралари, жумладан, судлар фаолиятида конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллашни жорий этиш бўйича амалий чоралар қўрилади.

Учинчидан, суд-ҳуқуқ ислохотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилади. Бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади.

Тўртинчидан, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносибликни таъминлаш бўйича конституциявий принципни рўёбга чиқариш мақсадида қонун ҳужжатларидаги **150дан** ортик ана шундай чоралар тўлиқ қайта қўриб чиқилади. Жумладан, айрим қилмишларни жиноятлар тоифасидан чиқариш ва жазо турларини ўзгартириш, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий жавобгарликни бекор қилиш борасида ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилади.

Бешинчидан, Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганидек, инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати дахлсиз бўлиб, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларга қарши курашиш, ҳеч шубҳасиз, энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

Ушбу йўналишда асосий эътиборимиз бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни жорий этишга, шунингдек, **Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки-**

ли, Болалар оғибдсмани ва бошқа инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилди.

Олтинчидан, барча ислохотларимизда инсон ва унинг манфаатлари марказий ўринда туриши ва халқимиз фаровонлиги ҳамда қулай ҳаёт кечиришини таъминлаш давлат органлари учун бош мақсад бўлиши лозим. Сўнги йилларда шу мақсадда **300 га** яқин давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди ва аҳолига **50 миллиондан** ортик хизматлар кўрсатилди.

Шу боис, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда мавжуд бюрократик тўсиқларни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёнлардаги коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича ишларни изчил давом эттиришимиз керак.

Еттинчидан, биз **“Янги Ўзбекистон – маърифий жамият”** концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Парламент томонидан **Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият** дастури қабул қилинди. Асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим. Шунинг учун **давлат хизматига ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизимини** амалда таъкид этишимиз зарур.

Саккизинчидан, Конституция ва қонун устуңлигини таъминлашда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берамиз. Хусусан, сўнги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони қарийб **40 фоизга** ошди ва уларни қўллаб-қувватлашга **700 миллиард сўмдан** ортик маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, фуқаролик жамиятининг муҳим шартини бўлган жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз лозим ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ амалий чораларни қўришда давом этамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Дунёнинг турли минтакаларида **зиддият ва қарама-қаршиликлар, қуроли тўқнашувлар** тобора авж олиб бормоқда. Олдимизда янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали вазиятда барчамиз янада бирлашимиз керак. Танлаган йўлимиздан қатъий олға боришимиз зарурлигини асрлар давомида қўлаб оғир синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва дошишманд халқимиз албатта яхши тушунади.

Аминманки, Ўзбекистон Республикасининг **янгиланган Конституцияси биз учун бу йўлда улкан ишонч, куч-ғайрат ва илҳом манбаи** бўлиб хизмат қилади.

Биз Асосий қонунимизга таянган ҳолда, мана шундай ноёб Конституциямизнинг **асосий ижодкори бўлган кўпмиллатли, бағрикенг ва олижаноб халқимиз** билан бирга улкан мақсадларимизга албатта ета-миз!

Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо этамиз!

Сиз, азиз ватандошларимизни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, ҳаммангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганини ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Chingiz Aytmatov tavalludining 95 yilligi

АВЛОДНИНГ ОМОН ҚОЛИШИ УЧУН КУРАШ



Машаққатли умр йўлини босиб ўтган Шарқ донишманди Чингиз Айтматов оғир моддий ва маънавий қийинчиликлардан иборат ёшлик йилларида, катагон қилинган отаси Тўракулни уруғ-аймоғи билан роса йигирма йил интиқ кутганида сабрга таянади, унинг нуридан қувват олади. Ота васлининг сароб эканлигини англаган онлариди худди шу матонат, чидам уни йиқилишдан саклайди. Кейинчалик бу хусусият адибнинг қахрамонларига ҳам қўчган, бўтақўзлар омиғи, қалби орзуларга лиммо-лим йигит Камол ёввойи явшанзор дашт – Анорхойни бўстонга айланттиришга қаттиқ бел боғлади, қаршиликлару ноқулай шартларга қарамадан, ёшгина муаллим Дуйшэн жоҳил ва саводсиз омманнинг фарзандларини ўқитиб, саводини чиқаришга журят этди, мухаббати юрт ишки билан уй-

гун туғилган камсукум Дониёр бўлажак севгилли шадлод Жамиланинг кўпол ҳазилларига парво қилмади.

Лекин улар орасида неча-неча ўлимларни доғда қолдириб, охир-оқибат ердаги йўлчи юлдузи – Олапарини топган Кирикнинг бу борадаги ўрни бўлачқа.

Ўн бир-ўн икки ёшлардаги қора кўз бу бола ҳаётини тубдан ўзгартириши қутилган, кейинроқ ростдан ҳам тубдан ўзгартириб юборган воқеа – нивх халқининг тирикчилик манбаи бўлмиш денгиз ови – машаққатли ҳаётнинг ҳақиқий оқимига жўнаш олдида қутишнинг мавҳум қирғоқлари бор дарёсида сузди, вақт деб аталмиш илоҳий қудратнинг тафтини, таъсирини илк бора ўз вужудига сезди: “Бола шу кеча ухлалмай чиқди. Умрида биринчи марта ухлаётмади, умрида биринчи марта тунни бедор ўтказди. Қани энди, тезроқ тонг ота қолса, денгизга, овга чопқиллаб кета қолса. У нерпа териси устида ётаркан, остидаги ер денгиз зарбаларидан биллинар-биллинас титраётганини сезар, кўрфаздаги тўлқинларнинг бир-бирига урилиб, ўқираётгани элас-элас эшитилар эди. У тун бўйи сергак-ланиб ухлай олмади.

►7

Yoshlar ovozi



Огаҳий номидаги Ижод мактаби ўқувчилари машқларидан намуналар

Лутфий бобо Алишер Навоий ҳали болалигидаёқ унинг бир байтига ўн минг байтли ижодини лутфан алмашмоқчи бўлганида, қайсидир маънода, истеъдодли ёшлар эртанги кун эгалари эканлигига ишора қилганлар. Бугунги кун болалар адабиётининг мазмун-мундарижаси атиги уч-тўрт йил олдинги ҳолат билан таққосланса, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Турсунбой Адаибоев сингари забардаст ижодкорлардан сўнг ижодий жараён бироз бўшашиб, яна кўтарила бошлаганини кўриш мумкин. Жорий йилда ижод мактаблари, уларнинг тарбияланувчилари, болалар шоирлари ва адиблари билан тахририят ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижалари шундай дегишса асос беради. Zero, бу ҳуқуқимизнинг томонидан болалар адабиётига, умуман, адабиёт ва санъат ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, гамхўрлик қилинаётгани самарасидир.

Хусусан, ижод мактаблари таъкид этилиб, ёш ижодкорлар тарбиясига давлат сийсати даражасида эътибор қаратилгани натижа-си яққол кўзга ташлана бошлади. Йил давомида “Болалар бекати” рукнида бериб борилган болалар адабиётини намуналари, ижод мактаблари фаолияти, ўқувчи ва ўқитувчилари ижодига бағишланган саҳифа-саҳифа материаллар бунинг исботи. Газетамизнинг ушбу сониде эътиборингизга ҳавола қилинаётган Огаҳий номидаги Ижод мактаби ўқувчиларининг ижод намуналари ҳам ёш қаламкашлар билан ўзаро ҳамкорлигимизнинг узвий давомидир.

Тахририят ►5

Obuna — 2024

ДИЛДОШИМ, СУЯНЧИМ ВА СУҲБАТДОШИМ

Ўқувчилик давримда ўзимни синфимиздаги энг китобхон, журналхон ва газетхон ўқувчи деб билардим. Ота-онам, она тили ва адабиёт ўқитувчиларим Суюн Шуқуров, Темирпўлат Тиллаев, Кимё Ирисбоева, ҳатто математика устозим Бердимурод Мирзаевнинг қўлида ҳар жума куни “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасини кўрардим. Мактабга борганимдан ота-онам ўқишга меҳрим бўлачқа эканлигини англашган ва 5-синфга ўтганимда бир-иккита шеърлар қоралай бошлаганимни кўриб, мени ҳам шу газетга обуна қилиб қўйишди. Бу газетга обуна бўлган қунларим менга гурур бағишлаган. Чунки, почтадан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” дея газета энди менинг ўз номимга келарди. Почта уйимиз билан мактабим орасида жойлашганлиги сабаб, ҳар жума куни почта олдида мактабга ўтиб кетаётди, газетани кишлоғимиз бўйича биринчилардан бўлиб қўлимга оладиган бўлдим. Почтачи Йўлдош бобом бизнинг ён қўшнимиз бўлгани учун дарвозасидан чиқишлари билан велосипеднинг изидан югуриб почтага етиб келардим. Газетани менга берганларидан кейингина устозларимники мактабга олиб борарди. Адабиёт муаллими Темирпўлат Тиллаев қўлимда газетани кўриб, дарс бошлашдан олдин, бугун газетани қандай ижодкорларнинг асарлари босилибди, дея савол берарди.



Бир гал Эшқобил Шуқур, бир гал Абдували Қутбиддин, бир гал Ҳалима Аҳмедова деган шоир ва шоирларнинг шеърлари чиқибди, шеърларидан ёдлаб ҳам олдим муаллим, десам, бир гал Карим Баҳриев деган журналист зўр мақола ёзибди, гаплари ўткир экан, дея устозимнинг ҳам худди шу мақолага нисбатан муносабатини тинглар эдим.

Бирида эса, Лукмон Бўрихон деган ёзувчининг асарини ўқидим, бу ёзувчи Қашқадарёда туғилган экан, дея фахрланиб қўяр, қанчадан-қанча олимларнинг талқинотларини ўқиб, маънан баҳраманд бўлардим. Бундай савол ва жавоблар баҳси, ўша даврда адабиётга кириб келаётган ижодкорларнинг назми ва насрий асарларининг янгича руҳидан баҳраманд бўлиш бахти менга ҳар адабиёт дарсимиз бошланишида, яъни, 9-синф бўлганимча насиб қилди. Муаллимим мактабимиздан кетиб, “Насаф” нашриётига ишга ўтганидан сўнг, газетани чоп этилаётган адабиёт оламидаги сўнги янгиликларни синфдошларимга ўзим етказадиган бўлдим.

►6

